156.	Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига иқтисодиётда рақобатбардошликни оширишнинг илғор методларини ишлаб чиқиш	Ривожланган хорижий давлатларнинг иқтисодиёти қиёсий ва тизимли ўрганилади. Тадқиқот натижалари асосида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига иқтисодиётда рақобатбардошликни оширишнинг илғор методлари ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижалари монография шаклида чоп этилади.
157.	Парламент назорати методологиясини яратиш	Ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси қиёсий равишда ўрганилиб, Ўзбекистонда қонунлар ижроси юзасидан икки палатали парламентнинг назорати самарадорлигини ошириш методологияси яратилади. Тадқиқот натижаси монография шаклида нашр қилинади.
158.	Депутат сўровининг методологиясини яратиш	Ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси тизимли равишда ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси парламенти назоратининг таъсирчан шакли ҳисобланган депутат сўровининг методологияси яратилади. Тадқиқот натижаси монография шаклида нашр қилинади.
159.	Ижтимоий шерикликнинг бугунги кун талабларига мос методларини ишлаб чиқиш	Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориши юзасидан ижтимоий шерикликнинг бугунги кун талабларига мос методлари ишлаб чиқилади, бунда ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси қиёсий ва тизимли ўрганилади. Тадқиқот натижаси монография сифатида чоп этилади.

160.	<p>Давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишда бугунги кун талабларига мос илғор усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнда Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида, жумладан, “Давлат қачон ўз вазифасини муваффақиятли адо этади? Қачонки, давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлса” деган фикрларига асосан давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишда бугунги кун талабларига мос илғор, самарали усуллар ишлаб чиқилади ва такомиллаштирилади. Тадқиқот натижаси монография тарзида чоп этилади.</p>
161.	<p>“Электрон парламент”, “Электрон ҳукумат”, “Электрон суд” механизмларини ишлаб чиқиш ва уларнинг методологиясини яратиш</p>	<p>Мамлакатимизда миллий ва илғор хорижий тажриба ҳамда тизимли таҳлил асосида “Электрон парламент”, “Электрон ҳукумат”, “Электрон суд” механизмлари ишлаб чиқилади ва уларнинг методологияси яратилади. Тадқиқот натижалари монографиялар тарзида чоп этилади.</p>
162.	<p>Маданият ва санъат соҳаларида иқтидор ва истеъдод эгаларини мақсадли тайёрлаш ва шакллантириш жараёнларини оптималлаштиришнинг илмий-амалий асосларини яратиш, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, маданий-маърифий муассасалар фаолияти самарадорлигини оширишнинг илғор методларини ишлаб чиқиш</p>	<p>Маданият ва санъат соҳаларида инсон капиталининг ўрни ва роли илмий-амалий тадқиқ этилади. Маданий-маърифий муассасаларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, уларнинг кенг дунёқарашини шакллантиришга оид маданий тадбирларни амалга оширишда замонавий усуллар ишлаб чиқилади ва уларни ҳаётга татбиқ этишдаги муаммолар ечими очиб берилади. Тадқиқот натижаси монография тарзида чоп этилади.</p>
163.	<p>Ўзбекистонда театр, кино, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, архитектура ва тасвирий-амалий санъат олдида турган муаммоларнинг замонавий ечимлари ва усулларини ишлаб чиқиш, моддий маданий мерос ва археология объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4956-сонли Фармони ҳамда 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3022-сонли Қарорига асосан театр, кино, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш механизмлари ишлаб чиқилади ва истиқболдаги тараққиёти тарихий нуқтаи назардан комплекс ўрганилади. Ўзбекистонда замонавий архитектура ва тасвирий-амалий санъат олдида турган муаммоларнинг ечимлари ва усуллари ишлаб чиқилади. Моддий маданий мерос ва археология объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижаларига асосан рисола ва монографиялар яратилиб, чоп этилади.</p>

164.	Узлуксиз таълим тизимида баркамол шахс тарбиясини шакллантириш, таълим мазмунини модернизациялаш орқали миллий ментал хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш	Узлуксиз таълим тизимида баркамол шахс тарбиясини шакллантириш, таълим мазмунини модернизациялаш орқали миллий ментал хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асослари такомиллаштирилади. . Тадқиқот натижасида монография чоп этилади.
165.	Туризм соҳасини бозор муносабатлари талаблари асосида тартибга солишни мақбуллаштириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатли вазиятни юзага келтириш, эркин туристик йўналишлар яратиш, туризмни ривожлантириш йўлидаги муаммоларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сонли Қарори асосида эркин туристик зонанинг барқарор ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилиб, рақобатбардош туристик ҳудуд имижини шаклланади. Тадқиқот натижасида монография нашр қилинади.
166.	Туризм соҳасида туристик хизматларга бўлган замонавий талабларни тизимли равишда ўрганиш ва унинг методологиясини яратиш ҳамда ривожлантириш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлдаги “Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3129-сонли Қарорига асосланган ҳолда туризм соҳаси чуқур таҳлил қилинади, бу борадаги мавжуд муаммолар тизимли равишда ўрганилади, соҳани ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг самарали моделлари ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижалари монография шаклида нашр қилинади.
167.	Ўрмонзорларда соғломлаштириш, рекреацион ва экологик туризмнинг илмий асосланган йўналишларини ўрганиш ва соҳани такомиллаштиришнинг йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш	Республика ўрмонларида соғломлаштириш ва экологик туризм салоҳияти ва йўналишлари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилади ва уларнинг натижалари ўрмон хўжалиқларида жорий этилади. Тадқиқот натижасида монография ва қўлланма чоп қилинади.
168.	Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш, спорт муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий этиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарори асосида жисмоний тарбия ва спорт муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш механизмлари ишлаб чиқилиб, ривожланган давлатлар тажрибаси тизимли таҳлил қилинади. Тадқиқот натижасида монография ва қўлланма нашр этилади.
169.	Спортчиларнинг нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришишлари учун тиббий-психологик асосларни ҳамда иқтидорли спортчиларни танлаш механизмларини ишлаб чиқиш	Спортчиларнинг нуфузли ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришишлари учун тиббий-биологик ва тиббий-психологик жиҳатлари таҳлил қилинади ҳамда иқтидорли спортчиларни танлаб олиш механизмлари ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижасида монография ва қўлланма чоп этилади.
170.	Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишнинг илғор усуллари ва йўл-	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича

	йўриқларини ишлаб чиқиш	комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойишига асосан китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишнинг илғор усуллари ва йўл-йўриқлари ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижасида монография чоп қилинади.
171.	Буюк саркардалар, Ўзбекистон тарихий обидалари бўйича энциклопедиялар яратиш	“Амир Темур”, “Хива”, “Ўзбекистон археологик ёдгорликлари”, “Ўзбекистон маҳаллалари” энциклопедиялари нашрга тайёрланади ва чоп этилади.
172.	Давлат патент фондини ва интеллектуал мулкнинг расмий рўйхатдан ўтказилган объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришнинг замонавий механизмларини яратиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 394-сонли Қарори асосида давлат патент фондини ва интеллектуал мулкнинг расмий рўйхатдан ўтказилган объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришнинг замонавий механизмлари яратилади. Тадқиқот натижасида монография нашр этилади.
173.	Табиий иқлим шароити оғир ва ноқулай туманлар рўйхатини шакллантириш мақсадида тадқиқот ўтказиш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш	Ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси тизимли равишда ўрганилиб, табиий иқлим шароити оғир ва ноқулай туманларда яшовчи фуқаролар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича йўл-йўриқлар ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижасида монография нашр этилади.
174.	Оилаларни маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш	Оилаларнинг молиявий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳолати баҳоланади. Оилаларнинг авлодлараро сулолалари давомийлиги ўрганилади. Оиланинг иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳолатини яхшилаш бўйича рисола ва монографиялар яратилади.
175.	Мамлакатимиз ва чет эл музейлари, фондлари ҳамда кутубхоналарида сақланаётган Камолиддин Бехзод, Махмуд Музаҳҳиб каби мусаввирларнинг ва уларнинг шогирдлари асарларини, Бухоро ва Самарқанд миниатюра мактаблари вакиллари асарларини излаб топиш, жамлаш ва оммалаштириш	Хорижда ва мамлакатимиз фондларида сақланаётган нодир кўлёзма китобларда чизилган миниатюралар кенг қамровли, илмий тадқиқ этилади. Рангли альбом-каталоглар, монографиялар нашр қилинади.
176.	Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва оилани мустаҳкамлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш	Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, оилани мустаҳкамлаш, оила реал даромадларини изчил ошириш, хусусан, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари ишлаб чиқилади ва такомиллаштирилади. Тадқиқот натижасида монография нашр этилади.

177.	Мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг кутубхоналари, қўлёзма фондларида сақланаётган термизлик алломалар ҳамда буюк мутафаккирларнинг қўлёзма ва тошбосма асарларини аниқлаш, ўрганиш ва чоп эттириш	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифлари ва Тошкент шаҳри Шайхонтохур туманидаги ижтимоий муҳит билан танишиш жараёнида билдирган фикрлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан Абу Исо Термизийнинг “Сунани Термизий” асарининг 1–6-жилдлари таржима қилинади ва нашрга тайёрланади. Мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланаётган буюк алломаларнинг қўлёзма ва тошбосма асарлари нусхалари, микрофильмлари, улар ҳақидаги китоблар тўпланadi ва илмий-тадқиқот ишлари олиб бoрилади. Тадқиқот натижасида ушбу алломаларнинг асарлари чоп эттирилади.
178.	Буюк алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг қўлёзма меросини илмий ўрганиш ва нашрга тайёрлаш	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифлари чоғида “Абул-Муъийн Насафий бундан минг йил олдин жаҳолатга қарши маърифат билан курашган буюк аждодимиздир” дея таъкидлаган фикрларига мувофиқ, Абул-Муъийн Насафийнинг диний экстремизмга қарши раддия масалаларига бағишланган “Баҳру-л-калом” асари нашрга тайёрланади ва чоп эттирилади.
179.	Ислom дунёсининг буюк муҳаддиси ва аллома Имом Бухорий илмий меросини, унинг ижодий фаолияти ва шахсияти билан боғлиқ бой маънавий-маърифий меросни ўрганиш, ўрта асрларда яшаган ва Ислom дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг асарлари, ҳадисшунослик, калом (илоҳиёт илми), фикҳ (ислом ҳукуки) ва ислом тарихи йўналишлари бўйича диний-маънавий меросини тизимли таҳлил қилиш, уларнинг фалсафа, мантиқ фанларига оид илмий-ижодий ва маънавий-маърифий меросини ўрганиш, ислом маданияти, ислом тарихи ва санъатига оид манбаларни илмий таҳлил қилиш ва оммалаштириш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2855-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифлари доирасида билдирган фикрлари ва топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонда Ислom маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сонли Қарори ва 2017 йил 11 июлдаги “Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги Ф-4988-сонли Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сонли Қарори, 2017 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислom маданияти маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 572-сонли Қарори, 2017 йил 29 май куни ўтказилган

		<p>Вазирлар Маҳкамасининг Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича Васийлик кенгаши мажлисининг 97-сонли баёни (30.05.2017 й. №08/1-592) асосида Имом Бухорий ва бошқа мутафаккирларнинг илмий-ижодий, маънавий-маърифий мероси, Ислом дини билан боғлиқ бой ва ноёб мерос тадқиқ этилади. Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абул-Муъийн Насафий, Қафқол Шоший, Абдулҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломаларнинг диний-фалсафий, илмий-ижодий ва маънавий-маърифий асарлари чуқур тадқиқ этилади ва уларнинг шахсий фазилатлари, қўлёзма асарларидаги умуминсоний ғоялар кенг тарғиб қилинади. Ҳадис тўпламлари ишлаб чиқилади, кўп жилдлик ислом қомуси ҳамда ислом дунёсининг маданий атласи яратилади. Марказларнинг электрон кутубхонасини ташкил этишга оид, ислом тарихи бўйича ва ислом манбаларини тасниф қилиш, ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда сақланаётган исломга оид нодир ёдгорликларни тизимли тадқиқ, таҳлил қилиш ва оммалаштириш. Тадқиқот натижалари китоблар шаклида чоп этирилади.</p>
180.	<p>Чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид номоддий маданий мерос, қўлёзма ва тошбосма китобларни аниқлаб ўрганиш ва уларни илмий муомалага киритиш</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3074-сонли Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 июндаги №01-07/1-1447-сонли назорат режасига асосан мамлакатимиз ва чет эл олимларини жалб этган ҳолда, хорижда сақланаётган, юртимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликлар аниқланади, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси – реестри яратилади ва у мунтазам янгилаб борилади. Шунингдек, ана шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхалари, фото ва видеотасвирлари юртимизга олиб келинади. Тегишли илмий марказлар, хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан биргаликда шу асарлар юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилади ва эришилган натижалар илмий муомалага киритилади. Тадқиқотлар натижаси юзасидан китоб-альбом ва альбом-каталоглар тайёрланади, ўзбек ва чет тилларида китоблар чоп этирилади.</p>
181.	<p>Ўзбекистонда ижтимоий бирдамлик, миллатлараро тотувлик, ҳамжихатлик ва диний бағрикенглик фазилатларининг жамият тараққиёти ва барқарорлигини таъминлашдаги ролини тизимли ўрганиш, ёшларни миллий</p>	<p>Жамиятда миллатлараро тотувлик, ҳамжихатлик ва диний бағрикенгликни таъминлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади, тарихий манбаларга асосланган ҳолда бу масалаларнинг илдизлари ёритилади. Илмий-назарий ва илмий-амалий</p>

	ва умуминсоний кадрият-лар руҳида тарбиялашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш	анжуманлар ўтказилади. Анжуман материаллари тўпламлар шаклида чоп этилади. Шунингдек, мавзу билан боғлиқ монографиялар тайёрланиб, нашр қилинади.
182.	Ўзбекистон ҳудудида сақланаётган араб, форс, туркий тиллардаги адабий, тарихий ва фаннинг турли соҳаларига оид қўлёзма, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатларни, ёзувчи ва шоирлар архивини тадқиқ этишни тизимлаштириш ва илмий муомалага киритишни амалга ошириш, уларнинг сақланиш ҳолатини мунтазам назорат қилиб бориш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди ва мамалакатдаги бошқа фондларда сақланаётган филология, тарих, фалсафа ва ислом илмларига оид қўлёзмаларнинг, шунингдек, Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейидаги қўлёзма, тошбосма китобларнинг ҳамда ёзувчи ва шоирлар архивининг каталоглари тузилади, нашр қилинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сақланаётган коллекциялардаги араб ёзувидаги қўлёзма асарлар, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатларнинг сақланиш ва таъмирланиш ҳолати мунтазам назорат қилиб борилади ва реестри тузилади. Тузилган реестр асосида қўлёзмаларнинг электрон нусхалари яратилади. Таъмирталаб араб ёзувидаги қўлёзма асарлар, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатлар таъмирланади. Тадқиқот натижаси сифатида араб ёзувидаги манбалар факсимиле нусхада ва илмий-изоҳли таржима шаклида нашрга тайёрланиб, чоп этилади.
183.	“Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари” каталогини яратиш	Каталогда Ўзбекистоннинг ҳар бир археологик объекти ҳақида тўлиқ маълумот йиғилади, уларнинг манзили, ҳажми, даври ва ҳозирги ҳолати ўрганилади. Тадқиқот натижаси китоб ҳолатида нашр этилади.
184.	Ўзбекистон халқларининг қадимги ва ўрта асрлардаги моддий ва номоддий маданиятини тизимли ўрганиш	Дала тадқиқотлари давомида қўлга киритилган топилмалар асосида кўчманчи чорвадор халқларнинг жойлашуви, миграцияси ва маданий-маънавий ҳаёти кирралари тизимли ўрганилади. Ҳарбий соҳа, жамият тузилиши ва ижтимоий муносабатлари масалалари, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг маиший турмуш тарзи, қадимги диний урф-одатлари тизимли таҳлил қилиниб, реконструкцияси амалга оширилади. Қадимий ва ўрта аср шаҳарларининг тарихий топографияси, шаҳар аҳолининг турмуш тарзи, дунёқарashi, монументал ва оддий аҳоли турар-жойлари қурилиши эволюцияси ва шу асосда давлатчилик масалалари комплекс ёритилади. Тадқиқот натижасида монография чоп қилинади.
185.	Ўзбек фольклори ва ёзма адабиётининг энг қадимги даврларидан XIII асргача бўлган тараққиёт тамойилларини, энг қадимий тошбитикларни тадқиқ этиш ва илмий муомалага киритиш, фольклоршуносликнинг долзарб масалаларини ўрганиш, замонавий методларга асосланган	Ўзбек халқ оғзаки ижодининг барча жанрларидан намуналар сараланиб, жамланади ва таянч матн тузилади. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг жанр таркиби, ғоявий-бадиий хусусиятлари, образлар тизими, мифологик қатлами илмий-амалий жиҳатдан ўрганилади. Тадқиқот натижасида монография чоп этилади.

	ҳолда ҳозирги ўзбек тили ва ўзбек тили тарихига оид тадқиқотлар яратиш	
186.	Навоийшуносликнинг фан сифатида тарихини яратиш: XV асрдан ҳозирги давргача	Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан шуғулланган навоийшунослар илмий мероси тадқиқ этилади ҳамда “Навоийшунослик тарихи” тадқиқоти нашрга тайёрланиб, чоп этилади.
187.	Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимий ва ўрта аср археологик ва меъморий объектларини тизимли ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3022-сонли Фармонида ҳамда 2017 – 2021 йилларда Сурхондарё вилоятининг туризм соҳасини комплекс ривожлантириш Дастурига асосан Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимий ва ўрта аср археологик ва меъморий объектлари тизимли тадқиқ этилади. Тадқиқот натижаси монография шаклида нашр қилинади.
188.	Хоразм воҳаси тарихини ўрганиш, этнологик тадқиқотлар ва манбашунослик ишларини олиб бориш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 апрелдаги “Хоразм Маъмун академиясининг фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 211-сонли Қарорига асосан Хоразм воҳаси тарихига оид маълумотлар илмий муомалага киритилади. Тадқиқот натижасида монографиялар тайёрланади.
189.	Қорақалпоқ фольклори ва этнографиясини тизимли ўрганиш	Қорақалпоқ фольклори ва этнографиясини тизимли ўрганилади. Тадқиқот натижасида монография чоп этирилади.
190.	Суриштирув, дастлабки тергов органлари ҳамда жазони ижро этиш муассасалари ва органлари фаолияти устидан суд назоратини ўрнатиш бўйича жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш усулларини яратиш	Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини янада ривожлантириш мақсадида суриштирув, дастлабки тергов органлари ҳамда жазони ижро этиш муассасалари ва органлари фаолияти устидан суд назоратини ўрнатиш бўйича жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқилади.
191.	Тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини янада либераллаштириш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш	Мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга йўналтирилган ҳуқуқий ислохотлар самарадорлигини ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини янада либераллаштириш усуллари ишлаб чиқилади ва такомиллаштирилади.
192.	Аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, унинг илғор усуллари ва йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш	Мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илғор усуллари ва йўл-йўриқлари ишлаб чиқилади.
193.	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи методологиясини яратиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПКҚ-3105-сонли Қарори ҳамда мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар



		Маҳкамасининг 2017 йил 4 июлдаги 01-07/1-1553-сон назорат режаси асосида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи тадқиқ этилади, унинг методологияси ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижасида монографиялар тайёрланади ва чоп этилади.
194.	Ёшлар, жумладан, уюлмаган ёшлар муаммоларининг ечимларини илмий-амалий жиҳатдан тизимли ўрганиш, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишларини янада ошириш орқали турли мафкуравий таҳдидларга ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантиришни тадқиқ этиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони асосида ёшлар муаммолари, уларда китобхонлик маданиятини юксалтириш кўникмаларини шакллантириш бўйича тадқиқотлар амалга оширилади. Бунда илм-фаннинг таълим ва бошқа ижтимоий соҳалар билан интеграцияси таъминланади. Тадқиқот натижасида монография чоп этилади.
195.	Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тарғиботини кучайтириш, коррупцияга қарши курашиш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш механизмларини ишлаб чиқиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори асосида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қиёсий таҳлил қилинади. Бу борада ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганилади ва коррупцияга қарши курашишнинг замонавий механизмлари ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижалари монография шаклида чоп этирилади.
196.	Вазирлик, идоралар, давлат ва давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар, жойларда ғоявий тарғибот, тарбиявий ишларни мақсадли ташкил этишнинг илмий-назарий муаммоларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йилда Андижон вилоятига ташрифлари, Тошкент шаҳри жамоатчилиги билан учрашувларида берган топшириқлари, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори асосида “Маънавий-маърифий ишлар Концепцияси” ишлаб чиқилади. Концепция асосида “Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг мунтазам фаолияти илмий-методик таъминлашга қаратилган монографиялар, қўлланмалар, услубий қўлланмалар, илмий мақолалар, тарғиботчилар учун тарқатма материаллар, буклетлар, ўқув дастурлари ва бошқа илмий-услубий манбалар яратилади. Жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик ҳамда жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб кўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби ҳолатларнинг сабаблари илмий-амалий асосда ўрганилади ва уларнинг олдини олиш ва барҳам беришга қаратилган илмий-услубий қўлланмалар, ижтимоий-

		<p>педагогик тренинглари, тарғибот дастурлари, медиаматериаллар комплекслари ишлаб чиқилади.</p> <p>Дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларни ҳамда мамлакатимизда маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторинги асосида “Мафкуравий жараёнлар харитаси”нинг технологик Концепцияси ишлаб чиқилади ва жорий қилинади.</p> <p>Миллий ғоя тарғиботини такомиллаштириш орқали жамиятда бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, аҳоли, ёшларда эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш, китобхонлик, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш орқали аҳолининг терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа таҳдидлар, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган илмий-амалий асосланган тарғибот технологиялари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.</p> <p>Маънавий мерос, урф-одатлар ва миллий тарбия анъаналари ва улардан динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий ишларда фойдаланишнинг илмий-услубий масалаларига қаратилган монография, брошюра, буклет, видео-аудио воситалар, семинар-тренинг дастурлари комплекси ишлаб чиқилади ва жорий этилади.</p>
197.	<p>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳамда улар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш механизмларининг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4944-сонли Фармонида асосан аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат ва давлатга қаршли бўлмаган ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг янги механизмлари ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижалари монография шаклида чоп қилинади.</p>
198.	<p>Тармоқ инвестиция дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги комплекс дастурлар, ишлаб чиқариш, транспорт коммуникация ва ижтимоий соҳалардаги инфратузилмаларни ривожлантиришнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4996-сонли Фармонида асосан республикада инвестиция муҳити янада такомиллаштириш, тармоқ инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича илмий асосланган лойиҳалар амалга оширилади, ижтимоий соҳаларга доир</p>

		инфратузилмаларни ривожлантиришнинг замонавий механизмлари яратилади ва такомиллаштирилади. Тадқиқот натижалари монография шаклида чоп қилинади.
199.	Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сонли Фармониغا асосан худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини сўзсиз бажаришни, амалга оширилаётган ислохотларга тўсиқ бўлувчи омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг илмий асослари такомиллаштирилади. Тадқиқот натижалари монография шаклида нашр этилади.
200.	Давлат активларини бошқариш, давлат улушига эга бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятини мониторинг қилиш ва таҳлил этиш, уларда корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартларига мос келувчи замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5016-сонли Фармониغا асосан давлат активларини бошқариш, давлат улушига эга бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятини мониторинг қилиш ва таҳлил этиш, уларда корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартларига мос келувчи замонавий методлар ишлаб чиқилади ва такомиллаштирилади. Тадқиқот натижалари монография шаклида чоп қилинади.
201.	Аҳоли бандлиги таъминланишининг ҳудудий ва тармоқли дастурларини амалга ошириш методологиясини ишлаб чиқиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3001-сонли Қарори асосида аҳоли бандлиги таъминланишининг ҳудудий ва тармоқли дастурларининг амалга оширилиши самарадорлиги, шунингдек, меҳнат бозорини бошқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш методологияси ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижалари монография шаклида нашр этилади.
202.	Ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган мезонлар ва стандартларни, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини мақсадли ўрганиш усулларини ишлаб чиқиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги “Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-5006-сонли Фармойишига асосан ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган мезонлар ва стандартлар, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ўрганилади ва шу асосда амалий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижалари монография шаклида чоп қилинади.

203.	Президентнинг виртуал қабулхонаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва уни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармони асосан Президентнинг виртуал қабулхонаси механизмлари талаблари ўрганилади ва уни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижалари монография шаклида чоп қилинади.
204.	Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2761-сонли Қарорига асосан давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш механизмлари ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижаси бўйича монография чоп этилади.
205.	Давлатнинг кадрлар сиёсатини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича янги ўқув қўлланмаларини яратиш	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 5 августдаги №01/09/1-1873-сонли топшириғига асосан 2018 – 2020 йиллар учун давлатнинг кадрлар сиёсатини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича янги ўқув қўлланмалари яратилади.